

АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИДА МЕҲМОННАВОЗЛИК АНЪАНАЛАРИ ЭЛЧИ КЛАВИХО ТАВСИФИДА

Назаров Расулбек

“ADVOCATE TEAM” Адвокатлик фирмаси Адвокат ёрдамчиси

Резюме. Ушбу мақолада Соҳибқирон Амир Темур салтанатидаги меҳмоннавозлик анъаналари Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо “Кундалик”лари асосида ёритилган.

Резюме. В статье освещаются вопросы традиции и обряды гостепримства государства Амира Тимура, в Самарканде оказание почести государем гостям во время визита на основе “Дневника” посла Испании (Кастилия) Руи Гонсалеса де Клавихо.

Summary. The article studies the issues of the tradition of hospitality of Amir Temur, honored by the sovereign to guests led by the Spanish ambassador during a visit to Samarkand, based on the diary of Rui Gonzales de Glavijo.

“Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз биз - авлодларга қолдирган васиятида ғоят муҳим бир фикрга урғу бериб, “Эл дардига дармон бўлмоқ-эзгу вазифангиздир”, деб таъкидлаши албатта бежиз эмас” Шавкат Мирзиёев

Калит сўзлар: Соҳибқирон, Амир Темур, салтанат Клавихо, меҳмоннавозлик, удумлар, анъаналар, маросимлар, элчилар, совғалар, таомлар, “тўққиз товоқ”.

Ключевые слова: Саҳибқирон, Амир Тимур, государства, Клавихо, гостепримства, обычае, традиции, обряды ,посли , подарки, пишы, “девят блюд”.

Key words: Sokhibkiran, Amir Timour, reign, Clavijo, hospitality, conventions, traditons, ceremonys, ambassadors, presents, foods, “Nine meals”

Жаҳондаги барча халқ ва миллатларда меҳмоннавозлик удумлари ва анъаналари мавжуд бўлиб, улар узоқ асрлар давомида шаклланган ва сайқалланган қадриятлардан саналади. Бу қадрият ва анъаналар кўпгина халқларда бир-бирига жуда ўхшаш ва ўзига хос эканлиги ҳам эътироф этилади. Жумладан дунёда салоҳиятли саналган ўзбек халқи ҳам ўзининг узоқ асрлик меҳмоннавозлик урф-одат ва анаъналарига эгадир. Халқимизда меҳмоннавозлик анъаналарини қадрият даражасида кўрсатилган дейиш мумкин. Меҳмондорчиликка бориш ва меҳмонларни кутиб олишнинг ўзига хос маълум “темир қонунлари” мавжудки, буларга тарихий манбаларда ва аждодларимиз меросида алоҳида теран баён этилган.

Ислом динида ҳар бир мўмин-мусулмон меҳмонини иззат-икром қилмоғи лозимлиги белгиланган. Қуръони каримда ҳам меҳмоннавозликка катта аҳамият берилиб, “Меҳмонларни ҳурмат қилинлар” деб буюрилган. Муқаддас ҳадисларда «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини иззат-икром қилсин» дейилган. Расулulloҳ (с.а.в)

томонларидан таъкидланганки «Меҳмон учун бир кеча зиёфат ҳар бир мусулмон зиммасида вожибдир» Шунингдек ҳадисда “Меҳмонни эъзозламаган қавм ёвуз қавм” деб уқтирилган. “Халқимизда “ Меҳмон атои худо”, Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан каби нақллар ҳам мавжуд.

Ўзбек халқида ҳам меҳмоннавозлик урф-одатлари аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган анъаналардан саналиб, бола туғилганидан бошлаб, оила, муҳити, мактабнинг бошланғич ва юқори синфларида ва кейинчалик эса бутун ҳаёт давомида унга меҳмоннавозлик фазилатлари сингдириб борилади. Қадимда ўзбекларда ички ва ташқи ҳовлилар мавжуд бўлиб, меҳмонлар ташқи ҳовлида дарвоза ёнида жойлашган махсус меҳмонхонада кутиб олинган. Бунда, 6-7 ёшли ўғил болалар келган меҳмонларни кутиб олишга жалб қилинганки, бу ўзига хос мактаб вазифасини ҳам ўтаган. Болада ёшлик давридан бошлаб меҳмонларни кутиб олиш, улар билан илиқ муносабатда бўлиш, яхши хизмат қилиш ва унда муомала маданиятини шакллантириш кабилар муҳим тарбиявий кўникмага эга бўлган.

Азалдан Туронзамин халқи жуда меҳмондўст бўлиб, меҳмонлар очик чеҳра билан кутиб олинган, йўловчини танимаса ҳам унинг ҳожатини чиқариш учун бор имкониятлар ишга солинган. Агар қишлоққа бирон йўловчи келиб тушса, кўшни бир-бирлари билан баҳслашиб, уни меҳмон қилиш учун ўзаро беллашишлари ҳақидаги маълумотлар учрайдики, бу ҳам бўлса бу ерда яшовчи маҳаллий аҳолининг нақадар саҳийлиги, қўли очиклиги ва меҳмондўстлигидан далолат беради.

Жаҳоннинг энг ҳосилдор, гуллаб яшнаган ва неъматларга бой минтақаларидан бири бўлган, Туронзаминнинг мева-чевалар бошқа мамлакатларникидан ҳам зиёда ҳамда ширин бўлган. Аҳоли кўпинча отларнинг гўштини кўпроқ истеъмол қилишган. Меҳмонлар юртимизда етиштирилган нозу неъматлар билан сийланиб, уларга иззат-икром кўрсатилган.

Буюк Амир Темур салтанати даврини ўрганишга бағишланган кўплаб манбаларда ва асарларда унинг ҳаёт йўли, болалик ва ўсмирлик даври, оиласи, фарзандлари, набиралари, ҳукмронлик қилган салтанат, унда бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, илм-фан аҳлига ҳомийлиги, маданият ва санъатни ривожлантиришга эътибори, давлат бошқаруви тизими, сиёсий ва ҳарбий соҳалардаги ютуқлари ёритилган маълумотлар мавжуд.

Лекин Соҳибқирон ҳазратларинг меҳмоннавозлик фазилатлари, салтанатидаги меҳмондўстлик анъаналари тадқиқотчилар назаридан бир оз четда қолган. Фикримизча, буюк ҳукмдорнинг бошқа юксак инсоний эзгу фазилатлари билан бир қаторда, меҳмоннавозлиги барчада катта қизиқиш уйғотади. Зеро, бу эзгу қадриятлари ўша даврдаги аجدодларимизнинг турмуш тарзи ва урф-одатларини теран ўрганишга ҳам яқиндан ёрдам беради.

Амир Темурнинг меҳмоннавозлик фазилатлари ҳақидаги айрим, лавҳа кўринишидаги маълумотлар унинг ҳузурида меҳмонда бўлган санокли шахслар ёки мамлакат ҳудудига ташриф буюрган элчи ва саёҳатчиларнинг кундаликлари ҳамда хотира асарлари кўринишида ёзиб қолдирилган баъзи манбаларда мавжудки, бу маълумотлар тарқоқ, йўл-йўлакай таъкидлаб ўтилган, халос.

Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга бағишланган муаррихлар Низомиддин Шомий¹, Шарафуддин Али Яздий², Ибн Арабшоҳ³ ҳам муаррихлар ва Руи Гонсалес де Клавихо⁴ каби томонидан ёзиб қолдирилган асарлар ва кундаликларда маълумотлар мавжуд. Ана шундай ноёб манбалар сирасига 1404 йил кузида Самарқандда Темурбек саройида бўлган Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг “Кундалик”лари энг муҳим манбалардан саналади.

Мазкур “Кундалик”да Амир Темурнинг мулозимлари Эрон ва Хуросон мамлакатларидаги ҳарбий юришларидан қайтишларида йўл-йўлакай уй-жойсиз, маблағсиз фуқаролар, етим-есирлар ва камбағалларни ўзлари билан Самарқандга кўчириб олиб келишган ҳамда буюк ҳукмдор кўрсатмаси бўйича улар барча зарурий нарсалар билан таъминланганлиги ёритилган.

Клавихо бошчилигидаги элчилар 1404 йил 21 августда жуда катта, аҳолиси кўп бўлган Термиз шаҳрига етиб келишган, шаҳар девор ва тўсиқлар, ихота деворлари билан айлантирилмаган бўлсада, лекин боғлар ва каналлар билан ўралган. Бу шаҳарда саёҳатчиларга ҳурмат-иззат кўрсатилган, уларни кийим-кечаклар ва бошқа барча зарурий ашёлар билан таъминланган.

Элчининг “Кундалик”ларида ёзилишича Амир Темурнинг навкарлари элчилар билан учрашгани, уларнинг аҳолидан доимо хабар олиб, меҳмонларга от совға қилишганлиги ҳақидаги маълумотларни келтирилган. “Кундалик”да Соҳибқироннинг хотамтойлиги, меҳмондўстлиги, унинг меҳмонларга қилган ҳадялари ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд.

Клавихо ўз “Кундалик”ларида 28 август пайшанба куни Кех (Кеш) шаҳрида бўлганлиги, унинг катта шаҳар эканлиги, атрофи ҳимоя девори ва чуқур ҳандақлар билан ўралганлиги, текис жойда жойлашганлиги, шаҳарнинг ҳар тарафидан суғориш каналлари ва дарёлар ўтганлиги, обод эканлиги, шаҳар атрофи аҳоли яшаш жойлари ва боғлар билан ўралганлиги хусусида тўхталиб ўтади. Шунингдек, суғориладиган майдонларда буғдой, узум, пахта, қовун ва бошқа турли мевалар ва сабзавотлар етиштирилганлигини қайд этиб, мевалар билан бу ҳудудга келган меҳмонларни сийланганлигини таъкидлаган.

Элчи томонидан Амир Темурнинг меҳмондўстлиги ҳақида ёзиб қолдирилган маълумотлардан яна бирида унинг отаси ва ўғли Жаҳонгир Шаҳрисабзда дафн қилинганлиги маълум қилиниб, шу масканларда отаси ва фарзанди хотираси учун ҳар куни йигирмата пиширилган кўйни эҳсон сифатида камбағалларга тортиқ қилиниши, меҳмонлар шарафига шу масканда кеча уюштирилиб, жуда кўп гўшт ва мевалар билан сийлаб меҳмон қилишгани ва тунаш учун уларни катта саройга олиб боришганини ёзиб қолдирилган. Худди шунингдек, 30 август, шанба куни, меҳмонлар Амир Темурга тегишли бўлган улкан, чиройли боғ ичида жойлашган катта уйда тушлик қилишиб, дам олишганлиги ҳам таъкидланган.

Нихоят, 11 август пайшанба куни Элчи Клавихо ва унинг ҳамроҳлари Самарқанд шаҳрига етиб келишганда, уларни Гулбоғ номли боққа жойлаб, чодир тикишларига рухсат қилинади. Элчи ва ҳамроҳлари кўним топишган боғнинг жуда чиройли ва бежирим эканлигини моҳирона тасвирлаган. Шунингдек, “Кундалик”да меҳмонларга кўп миқдорда гўшт маҳсулоти берилгани ҳамда бошқа зарурий нарсалар билан ҳам таъминланганлиги ҳақида маълумот ёзиб қолдирилган.

Соҳибқирон 1404 йил тўртинчи сентябрь, пайшанба куни чет эллик меҳмонлар жойлашган боққа ўз одамларини жўнатиб, ҳозирча улар билан учраша олмаслигини айтган, зерки қолмасликлари учун, улар ҳурматига шу куннинг ўзидаёқ байрам уюштирган. Меҳмонларга кўплаб қўйлар олиб келишиб, сўйиб овқатлар тайёрлашган. Гуручни турли усуллар билан пиширишган, от гўштини қовуришган ва меҳмонларга турли мева-чевалар тортиқ қилинган. Тадбир сўнггида меҳмонларга иккита от, бош кийимлар ва бошқа кийим-кечаклар, совға саломлар берилган.

Темурбек чет эллик меҳмонларни Самарқанд шаҳри ичкарасида эмас, балки шаҳар ташқарисидаги муҳташам боғларда кутиб олганлиги ва уларни шу боғларда меҳмон қилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Соҳибқирон даврида бундай боғлар жуда кўп бўлиб, улар жуда ҳашаматли қилиб яратилган эди.

Амир Темурнинг меҳмоннавозликлик фазилатлари ҳақида тўлақонли маълумотларни унинг Испания элчилари билан бир неча марта бўлиб ўтган учрашувларида намоён бўлган. Хусусан, Соҳибқирон 8 сентябрь, душанба куни меҳмонларни кўриш истагини билдириб, уларни Боғи Дилкушода қабул қилган. Меҳмонларга ўзлари билан буюк ҳукмдорга тортиқ қилиш учун олиб келган совғаларини хизматкорларга топширишлари кераклиги айtilган. Хизматкорлар совғаларни Темурбекка чиройли кўринишда тақдим қилишга ҳаракат қилишган. Улар меҳмонларни ҳукмдор чорловига олиб келишган, кўноқлар эса ўнг оёғи билан тиззалаб, қўлларини кўксида чалиштириб, ҳурмат бажо келтиришган.

Темурбек эса улардан янада яқинроқ келишларини сўраган. Шундан кейин элчиларнинг Хитой элчиларидан пастроқда ўтирганлигини кўриб, уларни пастроққа, Испания элчиларини эса ўзига яқинроққа, яъни юқорига

ўтқазиларини сўраб, уларга алоҳида илтифот кўрсатган. Бундан кейинги барча расмий учрашувлар ва меҳмондорчиликларда шу таомил сақланиб, меҳмонлар шу кўрсатилган тартибда жойлаштирилган.

Соҳибқирон салтанати даври меҳмондорчилигининг ўзига хос томонларидан бири сифатида шуки, меҳмон қанчалик узоқдан келган ва ҳурматли бўлса, уни шунчалик узоқ вақт куттиришдан кейингина қабул қилинган. Масалан, Хитой элчилари 1395 йил Самарқандга келишган бўлсалар, улар фақатгина 1397 йили буюк ҳукмдор билан учрашишган. Шунингдек, меҳмонлар келтирган совғалар ҳам маълум муддат сақланиб, шундан кейингина Соҳибқиронга тақдим этилган.

Клавихонинг “Кундалиги”да меҳмондорчилик хусусида қуйидаги фикрлар баён қилинган: меҳмонларни белгиланган тартиб билан ўтирғизишган, уларни жуда кўп миқдорда пиширилган, қовурилган ва тузланган қўй гўшти ҳамда от гўшти билан сийлашган. Меҳмондорчилик учун олтин, кумуш ва сопол идишлардан фойдаланилган. Чинни деб аталмиш идиш жуда қимматбаҳо ва қадрли ҳисобланган. Элчиларга от гўштининг қўл қисми бузилмасдан, бутунлигича, аммо суяклари олиб ташланган ҳолда қўйилган. Уларга ҳурмат юзасидан Амир Темур ўз олдига қўйилган иккита идишдаги егуликларни тортиқ қилган, меҳмонлар олдига қўйилган гўшт маҳсулотларини шу ондаёқ йиғиштириб олиб, уларни уйларига юборишган. Бу удумни бажармаслик эса ҳурматсизлик саналган. Даврага тортилган гўшт маҳсулотлари шу қадар кўп бўлганки, ҳаттоки унинг миқдори олти ойгача етиб ортадиган эди.

Меҳмоннавозлик давомида кейинги овқат сифатида яна гўшт маҳсулотлари сузилганлиги, ўша даврларда ҳам гўшт маҳсулотлари кўп истеъмол қилинганлигини кўрсатади. Асосий овқатлардан кейин дастурхонга кўплаб мевалар, жумладан қовун, узум ва ўрик қўйилиб, қимиз олтин ва кумуш кўзаларда узатилган .

Меҳмондорчилик маросими ниҳоясида меҳмонларнинг ҳолидан хабар олиб туриш учун Клавихога хизматкорлар бириктирилиб, уларни буюк ҳукмдор яшаб турган уйдан унча узоқ бўлмаган боғдаги алоҳида ажратилган бинога жойлаштирилиб, алоҳида ҳурмат кўрсатилган.

15 сентябрь, куни навбатдаги меҳмондорчилик бўлиб ўтиб, бу йиғиндан асосий мақсад меҳмонларни Амир Темурнинг яқинлари билан таништириш эди. Меҳмонларни таклиф қилиш учун борганлар ичида тилмоч бўлмаганлиги сабабли, улар белгиланган вақтдан кечикиб келишган. Улар ташриф буюришган вақтда буюк ҳукмдор аллақачон овқатланиб бўлган эди. Шу сабабли Амир Темур меҳмонлар яшаб турган уйга бешта қўй ва иккита катта кўзада вино юборган.

“Кундалик”да Соҳибқирон Боғи Дилкушода Испания элчилари билан учрашуви ва уларга катта эҳтиром кўрсатганлиги, меҳмондорчилик анъаналари, пазандалик маҳорати, дуру гавҳарлар билан безатилган идишлар, меъморчилик санъати асари даражасида бунёд этилган чодирлар, иморатлар

хамда иншоот ички ва ташқи томонидан жуда чиройли жиҳозланганлиги ёритилган. Зиёфат якунида меҳмонларнинг устига кумуш тангалар, олтин жиҳозлар ва қимматбаҳо тошлар сочилган. Олисдан ташриф буюрган меҳмонларга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида элчи Клавихо ва унинг ҳамроҳларига бир неча марта кумуш тангалар тортиқ қилинган, бошларидан кумуш тангалар сочилган. Бу ҳолат Амир Темур даври меҳмонновозлик удумининг ўзига хос удуми сифатида қараш мумкин .

Кейинги меҳмондорчиликда Амир Темурнинг катта аёли Бибихоним (Сароймулк хоним) шахсан ўзи Клавихо бошчилигидаги элчиларга нисбатан эҳтиром кўрсатган. Бу Соҳибқирон яшаган даврда халқимизда меҳмоннавозлик анъаналари ҳар бир оила аъзосига, фукарога сингдирилганлигини кўрсатади.

Кундалик”да Амир Темурга қилинган совғалар сони тўққизта бўлганлиги ҳақида ҳам маълумот мавжуд-ки, ҳозирги кунда ҳам ўзбекларда кувёв келинни уйдан олиб чиқиб кетиш учун келинганида унинг олдида тўққиз турдаги овқат- «тўққиз товоқ» қўйилиши, келинлар сепига солинадиган кийимлик мато сони тўққизта эканлиги, унинг «тўққиз товоқ» деб номланиши халқимизда ўша даврдан бери узоқ давом этиб келаётган анъаналарнинг азалий давоми эканлигини кўрсатади.

Шунингдек “Кундалик”да қайд этилишича, меҳмонлар шарафига уюштирилган кечаларда кўнгилочар тадбирлар ҳам ташкил этилган. Бундай маросимларда мусиқачилар қатнашган, безатилган филлар билан чиқишлар қилинган ва арқонга осилиш бўйича беллашувлари ташкил этилган .

Дастурхонга тортилган гўшт миқдори шунчалик кўп эдики, уни меҳмонларга тақдим этиш учун 300 нафардан ортиқроқ киши жалб қилинган. Гўштни даврага айлана кўринишидаги олтин билан ишлов берилган чарм идишда пол бўйлаб судраб олиб келишган ва одат бўйича хизматкорлар уни идишларга тақсимлаб, сўнгра меҳмонларга узатишган. Бутун меҳмондорчилик давомида турли усуллар билан тайёрланган от ва қўй гўшти араваларда ва туялардаги махсус идишларга юкланган ҳолда тинимсиз равишда ташилиб, меҳмонларга пешма-пеш етказиб турилган.

Элчи Клавихо миссияси 21 ноябрь, жума куни Самарқандда ўзлари режалаштирган ишларни битиришиб, ортига, ўз ватанларига қайтиши пайтида, йўл давомида уларга кузатувчилар бириктирилган. Клавихо гуруҳи 27 ноябрь пайшанбада Бухорога етиб келишиб, етти кун меҳмонда бўлишганда уларга совға саломлар берилган. 5-декабрда Бухородан чиққан 10-декабрда Амударёдан ўтган сўнгра чегарадан чиқиб кетишган. Уларга Амир Темур мамлакатада ҳар бир ҳудуд учун бириктирилган мутасаддилар томонидан от-улов, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа энг керакли нарсалар билан таъминланиши лозимлиги тўғрисидаги махсус ҳужжат – ёрлик берилиб, меҳмонларга иззат икром кўрсатилганки, бу ҳам буюк

Соҳибқироннинг меҳмоннавозлик фазилати ва меҳмонларга нисбатан юксак эҳтиромидан яққол далолат беради.

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз 2-т .- Т.: “Ўзбекистон” Н М И У 2017. Б.92-93
2. Низомиддин Шомий. Зафарнома –Т.: “Ўзбекистон”, 1996
3. Шарафуддин Али Яздий . Зафарнома – Т.: “ Ўзбекистон”, 1997
4. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал – мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) “Амир Темур тарихи” Таржимон ва нашрга тайёрловчи У.Увватов 1,2 қ –Т.: “ Меҳнат”, 1992
5. Клавихо Руи Гонсалес де. Амир Темур испания элчиси нигоҳида-Т.: “Zamin nashr”. 2019.-176 Б